

# 8-МАРТ – Халқаро хотин-қизлар куни муборак бўлсин!



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir





# O'zbekistonda sog'liqni saqlash

N 10 (1444)
2023 YIL
9 MART

ZDRAVOOXRANENIE UZBEKISTANA

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ОЙИДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • @UZSSGZT, UZSS@YANDEX.RU

t.me\o'zbekistondasog'liqnisaqlash


ЭЪТИРОФ

## МЕҲНАТЛАРГА МУНОСИБ РАҒБАТ



**Президентимизнинг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан, бир гуруҳ фаол хотин-қизлар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.**

**Улар орасида қуйидаги тиббиёт ходимлари ҳам бор:**

**"Дўстлик" ордени билан**

**Каипова Гулистан Сарсенбаевна -** Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали жонлантириш бўлими шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси;

**II даражали «Саломатлик» ордени билан**

**Гадоева Дилфуза Мустафоевна -** Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали оғир куйиш жароҳатлари бўлими катта ҳамшираси, Бухоро вилояти;

**Холмуродова Замира Бахромовна -** Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали неврология бўлими мудири, Жиззах вилояти;

**Шавазова Муҳаббат Исматовна -** Республика перинатал марказининг чақалоқлар анестезиология ва реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи;

**Юлдашева Райхон Сайфидиновна -** Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали кўз жарроҳи, Самарқанд вилояти.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган барча тиббиёт ходимларини муборакбод этиб, уларнинг келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилайди.**

@ssvuz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



Аёл – миллат келажаги, ҳаёт давомчиси. Хотин-қизлари эъзозланган, қадрланган юртнинг бугуни ва эртаси фаровон бўлади. Аёл меҳнати билан жамият тўлақонли ривожланади, тараққий этади. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг оғирини енгил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимиздагибарчахотин-қизларни8март–Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этамиз!

## ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



**Мамлакатимиз аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайди!**

**Аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор! Инсон, оила, аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барака киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.**

## САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Юртимиздаги барча аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан қутлайди! Аёл бор уйда бахт бор, аёл бор жамиятда юксалиш бор! Шундай экан, ҳар қандай касбда меҳнат қилган хотин-қиз борки, улар доим ҳурмат ва эъзозда бўладилар. Уларнинг барчасини байрам билан самимий муборакбод этиб, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, соғлик-омонлик тилаб қолади.**

## ЭЪТИРОФ

**Аёл зотини кўкларга кўтариб, шеър битмаган шоир, таърифу тавсиф бермаган ёзувчи, қўшиқ куйламаган хонанда бўлмаса керак. Чиндан ҳам аёллар борки, ҳаётимиз гўзал, уйимиз саранжом-саришта, дастурхонимиз файзли. Аёл борки, олам мунаввар.**

# ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ





Муқаддас Ҳадису шарифларда ҳам «Жаннат оналар оёғи остидадир», деб ёзилгани бежиз эмас. Биз аёлларимизни қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсак шунчалар оз. Бундай ҳурматга лойиқ аёллар орасида республикамизнинг тиббиёт муассасаларида беморлар дардига шифо бағишлаб, меҳнат қилаётганлар жуда кўп. Оила аталмиш қўрғоннинг тотувлиги, фарзандлар тарбияси-ю, соғлом муҳитнинг барқарорлиги, албатта, аёлнинг метин иродаси ва ақлу заковатига боғлиқ. Аёл бугун она, уй бекаси, раҳбар, моҳир ташкилотчи ва ташаббускор ходима. Зеро, аёлни эъзозлаш, қадрлаш ва унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос азалий одатдир.

Азиз оналаримиз, мунис опа-сингилларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган машаққатли меҳнатлари ҳурмат-эътиборимизда экан, уларнинг масъулиятли, аммо шарафли ишлари доимо давлатимиз ғамхўрлигида бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, улар меҳнатини доимо эъзозламоғимиз, қадрига етмоғимиз керак.

Опа-сингилларимизга тенгсиз латофат ва нафосат соҳибалари, дея таъриф берамиз. Эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файзу фариштлари сифатида эъзозу эҳтиром кўрсатамиз. Табиат чирой очиб бораётган мана шундай шукуҳли кунларда тиббиёт тизимида меҳнат қилиб келаётган дилбар ва мунис ходималарни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан кутлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигида байрам тадбири ташкил этилди. Айём сурури вазирлик биноси остонасидан бошланди. Бу ерда вазир Амрилло Иноятов бошчилигидаги масъуллар тизимда фаолият кўрсатаётган ҳар бир хотин-қизларни гуллар билан қарши олди. Шундан сўнг вазир Амрилло Иноятов соҳадаги барча опа-сингилларимизга видеоконференция орқали табрик йўллади.

**Оналар оёғи остида жаннат,<br>Қизлар шу жаннатнинг мўътабар пойи.<br>Шундан нурин сочар ерга беминнат,<br>Чексиз коинотнинг Қуёш ва Ойи!**

– Кеча Президентимиз фармони асосида юксак давлат мукофотларига лойиқ кўрилган бир гуруҳ хотин-қизлар сафида тиббиёт ходимларининг ҳам борлиги бу шарафли касб эгалари меҳнатига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва эҳтиром намунасидир, **– деди Амрилло Иноятов.** Байрам тадбири сўнгида вазирлик хотин-қизларига эсдалик совғалари топширилди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча хотин-қизларимизни баҳор ҳамда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этамиз. Ушбу қутлуғ кунда аёлларимизга баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз.







**Ибодат СОАТОВА,**
**журналист.**

## ШЕЪРИЯТ

### *Илтижо*

**Ғамлар унса йўлимда, товонимда қизил чўғ,**
**Сабрим моҳир дорбоздир, синовингдан кўнглим тўқ,**
**Ўзимга сўрамайман, Сендан олий ҳақам йўқ,**
**Онам юрар йўлларга бахтингни эк, Худойим.**

**Муштдеккина юраги қачон ором олибди,**
**Мунгликкинам мунғайиб, хасдек бўлиб қолибди,**
**Ажин босган... ҳасратим юзига чанг солибди,**
**Харжи кўп мен, онамга сақлама кек, Худойим.**

**Армони кўп, орзуси тахмонингда бир тутам,**
**Бошим силаб топгани – кексаликда келган ғам,**
**Бир имкон бер, сийлайин Ўзингдирсан кенг карам,**
**Онам учун бахт тилаб тортайин чек, Худойим.**

**Орзуманд оламингда ғараздан ётдир онам,**
**Барча оналар каби суюкли зотдир онам,**
**Каъбамдир содда кўнгли, пойидан паст паймонам,**
**Онаси бахтлилардек, бир бўлай бек, Худойим.**

**Сочидаги оқ қиров менинг жабрим шубҳасиз,**
**Аччиқ қисматим бунёд этган – сабрим шубҳасиз,**
**Сўрай деймaн тилим гунг, "Бунчалар қайғудасиз?"**
**Касримга товон тўлаб, дили кемтик, Худойим.**

**Бир ҳиммат қил, арисин армонлари онамнинг,**
**Кўзин оч бахт булоғим – дармонлари онамнинг,**
**Ювиб ўтсин ғамларни, чиллали дардхонамнинг**
**Куйиб битган кечмишин кўкка учир, Худойим.**
**Қоралама қисматим, оққа кўчир, Худойим!**

**Ҳасан АБДУҒАНИЗОДА**

### *Садоқатга ёр бўлгин аёл!*

**Дуосида тинчлик сўрар юртига,**
**Кўнар ҳаёт айтган барча шартига.**
**Гуллар сочинг оёғининг гардига,**
**Зулматларни ёритгувчи йўлисан,**
**Аёл бу дунёнинг жаннат гулисан!!!**

**Сен онасан, сен гўзал ёр ё сингил,**
**Маъноли сўзингдан обод ҳар кўнгил.**
**Меҳринг берсанг, дард ҳам ўтади енгил,**
**Ким бўлмаки, кексами ёки ёшсан,**
**Аёл меҳр бобидаги қуёшсан!!!**

**Табассуминг аритади ғамларни,**
**Шодликка оласан тушкун дамларни.**
**Тўлдирасан рўзғордаги камларни,**
**Уйим-жойим дея бедор халаксан,**
**Аёл меҳнат ичида ҳам малаксан!!!**

**Сенга йўқдир боланинг бегонаси,**
**Севгинг улашасан гапнинг хонаси.**
**Қалбинг шунчалар оқ ўзбек онаси,**
**Янги куннинг дебочаси наҳорсан,**
**Аёл янгиланиш фасли баҳорсан!!!**

**Малоҳатсан, назокатсан, навосан,**
**Андишасан, ору номус ҳаёсан.**
**Ўзинг дунё ичра битта дунёсан,**
**Мўъжизасан, мудом бор бўлгин аёл,**
**Ишққа, садоқатга ёр бўлгин аёл!!!**

### *Йиғлама, онажон...*

**Сен билан ҳаловат, сен билан ҳузур,**
**Сен ўзинг дилларни ёритгувчи нур.**
**Файзга тўлажакдир сен билан умр,**
**Онажон, сен фақат йиғламасанг бас!**

**Онажон, йиғласанг, кўнглим бузилар,**
**Ҳатто руҳлар боши эгик, сузилар,**
**Яширма кўзларинг, бари сезилар,**
**Онажон, сен фақат йиғламасанг бас!**

**Қадринг билмаганни армон тиғласин,**
**Бағритош ё қаҳри уммон йиғласин.**
**Йиғлама, майлига осмон йиғласин,**
**Онажон, сен фақат йиғламасанг бас!**

**Эл улғайсин “Алла” наволарингдан,**
**Ҳаётбахш, меҳрли ҳаволарингдан,**
**Бу олам кўкарсин дуоларингдан,**
**Онажон, сен фақат йиғламасанг бас!**

**Йиғласанг, майлида шодликдан қониб,**
**Фарзандлар камолин кўриб, қувониб,**
**Кулган нигоҳингни мадҳ этай ёниб,**
**Онажон, сен ғамдан йиғламасанг бас!**

**Онажон, сен фақат йиғламасанг бас!**

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА 2023 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛДАГИ ПҚ-74-СОН ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш асосий мақсад этиб олинган. **Барчамизга маълумки Далатимиз раҳбари томонидан ижтимоий соҳага аълоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги эътиборга моликдир.**

**Бу борада** Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш **мақсад қилиниб, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида" Қонуни** 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган бўлиб, 2021 йил 15 январдан кучга кирди. Унга кўра фуқарони ногиронлиги бўлган шахс деб топиш — **тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари** томонидан, ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш эса – **педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари** томонидан амалга оширилади деб белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 ноябрдаги **"Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** 22-сонли қарори қабул қилинди ва тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятида ногиронлик белгилашни тўлиқ қамраб олувчи ягона тизимни ташкил этиш, шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш каби масалалар ечимини ўз ичига олди ҳамда мутлоқа янги тизим жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги **"Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** 269-сонли ҳамда 2023 йил 25 январдаги **"Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги** Фармонларига кўра Республика тиббий-ижтмоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилиги тасарруфига ўтказиб берилди.

Мазкур қарор аввал қабул қилинган соҳага оид ҳужжатларнинг мантиқий давоми бўлиб, **ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.**

**Бунда н**огиронлиги бўлган муҳтож шахслар **замонавий протез-ортопедия мосламалари** билан таъминланади ҳамда уларни реабилитация қилиш муассасалари ускуналари модернизация қилинади;

I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ҳамда уларга ғамхўрлик қилувчи фуқароларга давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан **навбатсиз фойдаланиш** бўйича бир қатор имтиёзлар берилади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг **ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш** ва уларга **юридик ёрдам** кўрсатишнинг **ахборот-техник** тизимини такомиллаштирилади.

**Биринчидан:** Аҳолини муҳтож қисмини замонавий **протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари** билан таъминлаш даражасини **60 фоизга етказиш,** бунда 2023 йилда **400 нафар** ногиронлиги бўлган муҳтож шахсларни хорижий технологиялар асосида тайёрланган сифатли **замонавий болдир протези** билан **бепул таъминлаш кўзда тутилмоқда.**

**Иккинчидан: 2023 йил 1 сентябрдан** бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни **протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари** билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахслардан **тиббий хулоса** талаб қилиш тартиби бекор қилинмоқда.

Фуқароларни ногиронликни белгилаш билан бир вақтда муҳтожлиги асосида протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун **тиббий хулоса** тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан электрон шаклда **"Тиббий ижтимоий экспертиза" электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади ва фуқароларнинг сарсонгарчилигини олди олинади. "Тиббий ижтимоий экспертиза" электрон ахборот тизимига** киритилган **тиббий хулоса бир вақтнинг ўзида "Ижтимоий хизмат" электрон платформасига** интеграция қилиниб муҳтожлиги бўйича тегишли маҳсулотларни олиш учун электрон сертификат шакллантирилади.

**Учинчидан:** Ногиронлиги бўлган муҳтож шахслар таъминланадиган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари рўйхати кенгайтирилади яъни **24 тадан 29 тагача кўпайтирилади**.

**Тўртинчидан: I** ва **II гуруҳ** ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар ва уларга **ғамхўрлик қилувчилар учун бир қатор имтиёзлар** белгиланмоқда:

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан **соғлиқни сақлаш**, **таълим**, **маданият** муассасаларида фуқароларнинг бевосита ҳозирлигида (жойида) кўрсатиладиган барча хизматлардан **навбатсиз фойдаланиш**;

**давлат хизматлари марказлари** орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан **навбатсиз фойдаланиш**;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг (мансабдор шахсларининг) қабулига **навбатсиз кириш**;

аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган озиқ-овқат ярмаркаларида маҳсулотларни **навбатсиз харид қилиш.**

**2023 йил 1 майдан бошлаб** тиббиёт муассасаларида даволанаётган ногиронлиги бўлган болани парваришлаётган шахсга **ёнида бирга бўлиш** учун шароит яратиш;

стационар тиббиёт муассасаларида ногиронлиги бўлган болани парваришлаётган шахсга мазкур давр учун **меҳнатга лаёқатсизлик варақаси** бериш;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга **ғамхўрлик қилувчи шахслар** (ота-онаси ва бошқалар) **учун даволаш даврида** давлат стационар тиббиёт муассасаларида **бепул овқатланиш**.

**Бешинчидан болаларнинг ногиронлиги бўлган шахс деб топилиши** асосли эканлигини аниқлаш мақсадида уларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг **йўлланмасига асосан қайтадан тиббий-ижтимоий экспертизага** юбориш **тақиқланмоқда**. Бунда ортиқча бюрократияга барҳам берилиб, ногиронлиги бўлган болаларни қонуний манфаатлари мустаҳкамланади.

**Олтинчидан: Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтиёрий бепул юридик ёрдам** (pro bono)олиш бўйича мурожаатлари **"Юридик ёрдам"** ахборот тизимига киритилади;

-ихтиёрий бепул юридик ёрдам кўрсатиш истагида бўлган **адвокатлик тузилмалари** ҳамда **адвокатлар учун** бундай ёрдам таклиф қилишнинг техник имконияти жорий этилади;

-адвокатлик тузилмалари ва адвокатлардан улар кўрсатган **ихтиёрий бепул юридик ёрдам** (pro bono) тўғрисида ҳисобот талаб қилинмайди.

**Еттинчидан:** Давлат гранти асосида ўқитиш ажратилган умумий давлат гранти қабул параметрлари доирасида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб **"Махсус педагогика, дефектология" магистратура мутахассисликлари** бўйича давлат олий таълим муассасаларига қабул **тўлиқ давлат гранти** асосида амалга оширилади.

**Ўнинчидан:** Болалар церебрал фалажи, умуртқа поғонасининг патологик синиши билан касалланган болалар ва катталарда мустақил юриш функцияларини қайта тиклаш учун ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва унинг ҳудудий марказларини **2023** йилда **роботлаштирилган локомат мажмуаси** ва **бошқа замонавий реабилитация ускуналари** билан таъминлади.

**Умарали НАЗАРМАТОВ,**
**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Тиббий – ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи.**

## ДИЛ БИТИКЛАРИ

**Миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёс, деб биламан.**

# *АЁЛИНИ қадрлаган юрт*

Давлатимиз раҳбари ҳам доим аёлларимизни жамиятда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиётида муҳим ўрин тутишини алоҳида қадрлаб, ҳар йили байрам арафасида юксак мукофотлар билан тақдирлайдилар.

Ўзбекистонда ҳар бир аёлнинг ўз ўрни ва нуфузи бор. Ўзим кўп йилдан бўён Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалида лаборант вазифасида ишлаб келмоқдаман. Касбимдан фахрланаман. Бизга яратилаётган шароит ва имкониятлар нафақат мени, балки ҳар бир соҳа ходимини ҳам мамнун этади. Байрам арафасида Давлатимиз, қолаверса соғлиқни сақлаш тизимидаги раҳбариятлар ҳам ҳар биримизга эҳтиром кўрсатиб, камтаоран меҳнатларимизни рағбатлантиришади.

Албатта, аёлини қадрлаган юртнинг келажаги ҳам бўлади. Ўйлайманки, Ўзбекистондаги ҳар бир аёл ўз бахтига ва фаровонлигига эга. Мен ҳам бир лаборант сифатида ўзимни бахтли ҳис этаман. Касбимиз машаққатли, аммо кимнингдир мушкулини осон қилаётганимдан ҳамиша ғурурланаман. Азиз ҳамкасбларим ва мунис онажону, опағсингилларим! Айёмингиз муборак бўлсин!



**Дилноза КАРАКАШЕВА,**
**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали лаборатория бўлимининг лаборанти.**

ОНАНГИЗНИНГ ТАЪРИФИНИ КЕЛТИРА ОЛАСИЗМИ?

**Ёдимда, эсимни таний бошлаган кезларимда "Онангни кўпроқ яхши кўрасанми ёки отангни кўпроқ яхши кўрсанми?" деган саволга доим онамни деб жавоб берсам, отам раҳматлик кулиб қўярдилар...**

# БУ МЕНИНГ ОНАМ...



### ҚАДРДОНИМ ОНАНГИЗНИНГ ТАЪРИФИНИ КЕЛТИРА ОЛАСИЗМИ?

Юрагингиздаги Онангизга айтолмаган гапларингизни, армонларингизни бугун айтинг, ҳамма ғанимат бир-бирига. Ҳаммамиз омонатмиз бу Дунёда...

Онажоним мунисим меҳрибоним йиллар ўз ҳукмини ўтказа бошлаган самимий чеҳрангиздаги ажинларнинг қайси бири мен, яна қайси бири укаларим, синглим туфайли экан-а ?

Онажоним, жоним онам отамнинг бевақт вафотидан кейин биз, 4 фарзандни отамнинг йўқлигини билдирмай, ўкситмай ўзи емай бизга едириб ўзи киймай бизга кийдириб ҳаётнинг бешафқатлигига метиндек қалқон бўлган меҳрибоним.

Ишдан уйга шошаман уйдан ишга шошаман ўзимни кам ўйлайман. Аммо онажоним ҳар хил бу ташвишлар орасида менни йўқлайсиз. " болаларинг яхшими, ўзинг яхшимисан" ҳол сўрайсиз..... укам билан мен олий ўқув юртига контракт асосида ўқишга кирганимизда йиллаб устингизга бир кийим олмай бизни ўқитдингиз биздан кейин синглим, ундан кейин кичкина укамни ёлғиз аёл бошингиз билан ўқитдингиз бировдан кам бўлмасин деб туну кун тинмай меҳнат қилдингиз. Ҳар бир эришган ютуқларимиздан қувонган, мактабда ҳар биримизнинг олган фахрий ёрлиғимизни кўз қорачиғидек асраган муштипарим онам. Укаларим Ҳаж сафарига йўлланма олиб келиб берганида кўзингиздаги қувонч ёшини кўриб мунисгинам-а сиз учун биз фарзандларингизни роҳатини кўриш, қилган меҳнатларингиз мевасини кўрган кунингиз сизнинг энг бахтли кунингиз эканлигини ҳис қилдим. Онамиз Ҳаж сафаридан келган кунлари ҳамон ёдимда, онами кўргани келган меҳмонлар Ҳожи она дуо қилинг бизнинг ҳам фарзандларимиз сизнинг фарзандларингиздек бўлсин, сизга ҳавас қиламиз деган сўзлардан кейин дуога қўл очган онажонимни нурли чеҳраларини кўриб, "Онажоним сизга ҳавас қиламан, менинг ҳам фарзандларим сизнинг бизга берган тарбиянгиз ва қуёш тафтидек берган илиқ меҳрингиз каби вояга етиб биздек бўлишини хоҳлайман". Сизга ўхшашга ҳаракат қиламан, аммо сиздек бутун борлиғини, жони жаҳонини фарзандлари учун фидо қила оладиган бўла олдимми, йўқми бу саволга жавоб бера олмайман...

Онамни бир ўгитларини ҳеч ёдимдан чиқармайман Фарзанддан меҳр олиш учун унинг қалбига меҳр уруғини қадаш керак дейдилар доим. Онамнинг ўзлари ўша меҳр тафти билан бизларни улғайтирди, отамдан қолган ёдгорларим укаларим "Опа яхшимисиз, шаҳарда қийналмаяпсизми, синглим яхшими" деб қўнғироқ қилишлари ёки синглимга қўнғироқ қилиб "Бугун ака бўлиб буғдойзорни оралаб юрдим" деб ҳазил аралаш ҳол сўраганлари онажоним экан меҳр уруғларининг мевасидир. Онажоним таърифингизни шоирона сўзлар билан ёзсамда, бутун дунёнинг таърифларини йиғсамда сўзларим камлик, қаламим эса ожизлик қилади.

**Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Истиқлол мамлакатимиз хотин-қизларининг жамият тараққиётида янада фаол иштирок этишларига катта имкон яратди. Бу куннинг аёли илми, иқтидори, истеъдоди ва ўзгача шиддати билан дунёни яна бир карра қойил қолдирмоқда, Аёл!**

# ҲАР КУНИНГИЗ БАЙРАМЛАРГА УЛАНСИН
# АЗИЗ АЁЛЛАР!



Унда бутун олам қувончи, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассам. Ҳаё, одоб, ғурур, андиша деб номланган фазилатларнинг илдизи ўзбек аёлларининг қалбидадир. Оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, меҳмондўстлик, қўни-қўшни, қариндошлар орасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат буларнинг барчасини аёлларимиз доимо юқори ўринга қўйиб келган. Дарҳақиқат, бизнинг аёлларимизга хос ўзбекона фазилатлар ҳеч бир мамлакатда йўқ. Аёлнинг турли фазилатлари ичра ҳаё марваридга ўхшашдир. Бу марвариднинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Биринчи Президентимиз айтганларидек, "Аёлларни ҳар қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, ватанимизни эъзозлаган бўламиз". Бугунги кун аёли нафақат зиёли, зукко, иқтидорли бўлиши балки миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизга содиқ инсон бўлиши даркор. Мана шу фазилатлар жамланган аёл бизнингча энг бахтли аёлдир. Жамиятда ўз ўрнига эга, ҳар доим ўз оиласи, фарзандларининг камолини кўриш истаги билан ёниб яшаётган аёлларга таҳсин айтгимиз келади. Бугунги куннинг замонавий аёллари жамиятимизда қанча-дан-қанча марраларни забт этмоқда. Уларнинг шижоати, матонати, иқтидори олдида лол бўласан киши. Қадимдан маълумки, давлат ишларида ҳам аёлларнинг ўз-ўрни ва мавқеи юқори бўлган. Бунга мисол тариқасида Бибиханим, Нодирабегим, Увайсийлар ёки Зулфия... бу каби улуғ зотларни яна давом эттиришимиз мумкин. Айтмоқчимизки, ҳар бир даврда ҳам аёлнинг ўз ўрни ва ўз мавқейи бор. Айниқса, мустақиллик йилларидан сўнг хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларига, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишларига, уларнинг таълим олишларида мисли кўрилмаган янгиликлар бўлди.

Эътибор берсангиз бугунги кунда ўз ўрнига эга бўлган аёллар, нафақат ишда, оилада, фарзанд тарбияси, маҳалла, ота-оналарининг хизматларини қилишлари, уларнинг зиммаларида бир қатор юмушлар юклатилган бўлсада уларни чин дилдан, садоқат ва масъулият билан ёндошишларини кўриб таҳсин айтгинг келади. Кўча куйда юрганимизда ҳам ўзгаларга ўрнак бўлиш даражасида, одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё, ибо сингари фазилатларни ўзида жо қилган, юриш туриши инсонда ҳавас туйғуларини уйғотадиган аёлларни кўрганимизда уларга ҳавас кўзи ила боқасан киши. Зеро ўзбекнинг аёли мана шундай фазилатлар соҳибаси эканлигини бутун дунёга жар солгинг келади. Орамизда шундай аёллар борки нафақат оилада балки маҳаллада, умуман жамиятда ўз ўрни эга, ўзгалар мушкулини осон қилиш, юрт корига яраб келаётган опа-сингилларимиз билан бир бора суҳбат қурганимизда, яна шу аёлнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга интиласиз. Ҳақиқатда бу каби аёлларнинг нафақат сўзлари қалбларга яқин, мақсадлари ҳам фақат эзгулик. Эзгуликни ўзига шиор қилиб олган инсонлар ҳамиша эл ардоғида, яқинлар меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиб яшашади. Бу каби бахтли лаҳзаларни барча аёлларга тилаган ҳолда, СИЗ АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР зот эканлигингизни яна бир бор таъкидлагимиз келди. **Байрамингиз муборак бўлсин азиз аёллар!**




**Нигора АШУРОВА
Тошкент фармацевтика институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.**

ҚОҒОЗБОЗЛИККА БУТУНЛАЙ ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

# 2023 ЙИЛ ЯКУНИГАЧА 1500 ТА ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ЭЛЕКТРОНЛАШТИРИЛАДИ














XXI асрда вақт инсоният учун энг қимматли ресурсга айланди. Шу боис бугун кўпчиликнинг кутишга, навбатда туришга сира тоқати йўқ. Аксарият одамлар ҳар бир иши тез ва осон битишини хоҳлайди. Айниқса, у бемор бўлса. Шу сабабли бугун юртимизда тиббиёт тизимини рақамлаштириш, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарорларига асосан бирламчи тизимда “Электрон поликлиника” ахборот тизими йўлга қўйилаётгани бу борада айни муддао бўлмоқда.

### ҚОҒОЗБОЗЛИККА БУТУНЛАЙ ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Оилавий поликлиникалар ва ҳудуддаги кўп тармоқли марказий поликлиника юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига уланади. Натижада “Электрон поликлиника” дастури ортиқча қоғозбозликларга чек қўйиб, барча ишларни тизимли равишда олиб боришга, тезкор ва аниқ ишлашга, энг асосийси, шифокорларни беморлар учун кўпроқ вақт ажратишига шароит яратмоқда. Мазкур тизимнинг афзаллиги, барча тиббий ҳужжатлар электрон шаклда бўлади, аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатилади. Қолаверса, “Электрон поликлиника” онлайн рўйхат асосида фуқароларни қабул қилиш, масофавий диагностика, бемор саломатлигини масофадан мониторинг қилиш, тиббий карталарнинг тармоқли тизими, виртуал тиббий кўрикдан ўтиш, виртуал шифохона хизмати, электрон рецептлар, телеметрия ва зарур тиббий ёрдамни уйида олишга имкон яратади.

### НЕЧТА МУАССАСА БУ ТИЗИМДА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА?

Шу кунгача ушбу янгилик фақат Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятидаги 230 га яқин оилавий поликлиникада жорий этилган эди. Қашқадарё вилоятида эса илк бор Қарши шаҳридаги 3-сон оилавий поликлиника “Электрон поликлиника” тизимида фаолият бошлади. Шунингдек, айни пайтда Самарқанд, Термиз, Бухоро ва Жиззах шаҳарларида ҳам биттадан оилавий поликлиника электрон тизимга уланиб, иш бошламоқда.

### ЯНГИ ДАСТУР ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Поликлиникага келган фуқаро “Электрон поликлиника” орқали рўйхатга олингач, оилавий шифокорга йўналтирилади. Шифокор бемор учун зарур текширувларни белгилаб бергач, шу асосда тор соҳа мутахассислари ёки лаборатор анализ топшириши мумкин. Одатда, оилавий поликлиника шифокори лаборатор текширувга юбориш учун беморга узундан-узоқ тиббий анализлар рўйхати ёзилган қоғоз тутқазади. “Электрон поликлиника” дастури орқали бу ишларнинг барчаси жуда тез ва осон битади. Яъни, ушбу механизм орқали шифокор томонидан керакли тиббий таҳлиллар белгиланиб, лабораторияга юборилади. Лаборатория ходими эса мазкур маълумотларга асосланиб, бемордан керакли таҳлилларни олади ва қайта шифокорга юборади. Бу эса фуқаро ва шифокор вақтини тежаб, тиббий маълумотларни хавфсиз сақлашга ёрдам беради. Беморнинг барча таҳлиллари автоматик тарзда оилавий шифокорга кўриниб туради. У шу асосда мурожаатчига электрон рецепт беради. Беморнинг рецепт асосида поликлиниканинг ўзидан буюрилган дорини олиши ҳам электрон тарзда назорат қилинади. Фуқаролар эса тиббий таҳлилларини, касаллик тарихини уйида ўтирган ҳолда онлайн тарзда кузатиб туриши мумкин. Барча поликлиникалар ягона сервер асосида ишлайди. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан туриб, бирор поликлиникага қанча бемор мурожаат қилгани, қайси шифокор кўрикдан ўтказгани, қандай рецепт буюрилгани, бемор у рецепт асосида дорини олган-олмагани кўриниб туради. Масалан, Қарши шаҳридаги 3-сон оилавий поликлиникада янги тизим ишга туширилгач, айни пайтда 539 та мурожаат келиб тушган. Уланинг 334 нафари аёллар, 205 нафари эркаклар бўлса, 160 нафари болалар ва 90 нафари кексалардир. Бу тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, у орқали беморларнинг касалликларини таснифлаш, ўша ҳудуд аҳолисида кўп учрайдиган хасталиклар базасини шакллантириш имкони мавжуд. Ҳозирда 230 га яқин тиббиёт муассасаси “Электрон поликлиника” режимида ишлаётган бўлса, 2023 йил давомида бу кўрсаткични 1500 тагача етказишни мўлжаллаганмиз.

### ИНТЕГРАЦИЯ

Ҳозир Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги поликлиникалар ўзаро интеграция қилинган бўлиб, сирдарёлик бемор Тошкентдаги поликлиникага мурожаат қилса, у ҳақдаги барча маълумотлар шу ернинг ўзида кўринади. Келгусида Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Жиззахдаги оилавий поликлиникалар аввалига ҳудуд доирасида, кейинчалик ҳудудлараро интеграция қилиниши мўлжалланган. Бу эса мамлакатдаги бирламчи тиббиёт муассасаларининг ягона электрон бошқаруви пайдо бўлишини англатади. Бир сўз билан айтганда, ушбу лойиҳа соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида тиббий маълумотлар алмашинуви учун дастурий муҳит яратиш, тиббиёт тизимини замонавий, давр талабларига мослаштириш орқали уни модернизация қилишга катта ёрдам бермоқда.

### ҚУЛАЙЛИКЛАРИ...

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, мазкур янги электрон дастур тиббиёт ходимлари ўртасида тиббий маълумотлар алмашинуви бўйича халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради ва бир қатор қулайликлари билан ажралиб туради.

**Жумладан:**

*– ҳақиқий вақтда ҳисоботларни қабул қилиш ва узатиш;*

*– шахсий ва тиббий маълумотларни ажратиш;*

*– тиббий маълумотларнинг юқори даражадаги хавфсизлиги ва назорати;*

*– янги ташкил этилган тиббиёт муассасаларини тез ва осон бирлаштириш.*

**Янги дастур орқали шифокор ва беморнинг вақти тежалиб, тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги ошади. Тиббиёт ходимлари фаолияти ва иш юкламасини мунтазам кузатиб бориш, статистик маълумотларни шаффоф тарзда юритиш имконияти яратилади.**

**Санжар НАБИЕВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги “IT-Med” МЧЖ директори.**

---

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

## РАҲМАТ СИЗГА ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОРЛАР

**Яқинда фарзандим Мустафонинг тоби қочиб Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб бордик. Яхшиям бахтимизга ўз ишига масъулиятли шифокору ҳамширалар бор экан.**

Улар зудлик билан дарддан қийналаётган ўғлимга тиббий ёрдам кўрсатишиб, барча тиббий текширувлардан бепул ўтказишди. Ўғлим шифокорлар тавсияси билан гастроэнтерология бўлимига даволаниш учун ётқизилди.

Гастроэнтерология бўлимида яратилган шароитлар, хоналарнинг иссиқ ва озодалиги, уч маҳал мазали иссиқ овқатлар бизга жуда ёқди. Қўли енгил чаққон ҳамшираларнинг муолажаларни ўз вақтида бажариши, шифохонадан берилаётган бир марталик шприцларни кўз олдимизда очиб фойдаланиши, меҳрибон ва ширинсўзлиги, бемор болажонларга ҳамда биз яқинларига ғоят мадад бўлмоқда. Шифокор ва ҳамшираларининг эътибори ва ғамхўрлиги боис, кундан кунга ўғлимнинг саломатлиги тикланмоқда. Врач-мутахассис Икромжон Далабоевдан жуда-жуда миннатдормиз. Ўз касбининг моҳир билимдони эканлар. Ҳамширалар Роҳилахон Каримова, Розияхон Турсуновалар бемор болаларни тезроқ соғайишлари учун дори-дармонларни истеъмол қилишидан тортиб, уколларини ўз вақтида олишигача туну – кун парвона бўлиб, фарзандларимиз саломатлигини беминнат тикламоқда. Мен шифохонанинг барча ходимларига, шундай яхши шароитларни яратиб берган бош врач Абдумалик Раҳмоновга, шифокор Икромжон Далабоевга, бош ҳамшира Дилдора Маматхонова ҳамширалар Роҳилахон Каримова ҳамда Розияхон Турсуноваларга бехад миннатдорлигимни билдираман.

**Касбу – корингизга барака берсин, азиз тиббиёт ходимлари. Умрингиз узоқ бўлсин. Фарзандларингиз бахту камолини кўриб юринглар. Опа-сингилларимизни 8-Март Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлаймиз.**

**Шахрибону МАЖИДОВА**
Наманган шаҳри.

## РЕИМБУРСАЦИЯ НИМА?

**Бу тизим аҳолини дори-дармон билан таъминлаш, алоҳида сурункали касалликларни даволаш учун шифокор томонидан буюрилган дорилар харажатларини мақсадли компенсация қилишни кўзда тутади. Дори қабул қилиш ҳар қандай касалликни даволашнинг ажралмас қисмидир. Бироқ, сурункали касалликларда амбулатор шароитда узлуксиз муолажа қилиш тизими мукаммал эмас. Шу боис, аҳолининг зарур дори-дармондан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида реимбурсацияни амалиётга жорий этиш зарурати юзага келди.**

# ДОРИ ВОСИТАЛАРИ УЧУН РЕЦЕПТ ЁЗИШНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШ

***(Соғлиқни сақлаш тизимида янги тизим- Реимбурсация)***

**Реимбурсация** – инглизча сўз бўлиб, “харажатларни қоплаш” маъносини англатади – бу аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ҳисобланиб, алоҳида сурункали касалликларни даволаш учун шифокор томонидан буюрилган дори воситалари харажатларини мақсадли компенсация қилишни назарда тутади.

**Реимбурсация тизими доирасида қуйидаги сурункали касалликларни амбулатор шароитда даволашда қабул қилинадиган дори воситалари учун дорихоналар харажатлари Давлат тиббий суғуртаси томонидан қопланади:**

*– гипертония касаллиги;*
*– юрак ишемик касаллиги;*
*– қандли диабетнинг иккинчи тури;*
*– бронхиал астма;*
*– ўпканинг сурункали обструктив касаллиги.*

Реимбурсация тизимига киритилган дори воситалари тасдиқланган рўйхатга мувофиқ Жамғарма билан шартнома тузган дорихоналар томонидан бепул берилади. Реимбурсация дастурига киритилган Дори воситалари сони 11 тани ташкил этиб, уларга Сальбутамол, Бисопролол, Амлодипин, Эналаприл малати, Розувастатин, Ацетилсалицил кислотаси, Клопидогрел, Варфарин, Фуросемид, Метформин, Беклометазон дори воситалари киради. Реимбурсация тизими Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган тайёр дори воситаларини ўз ичига олади. Жамғарма томонидан тегишли лицензияга эга чакана савдо билан шуғулланувчи дорихонанинг сурункали касалликларни амбулатор шароитда даволашда бепул тиббий хизматлар ва дори воситаларининг кафолатланган пакети рўйхатига мувофиқ бериладиган дори воситаларининг харажатларини электрон дастур орқали қоплаш жараёнини тавсифлайди. Фармацевтика агентлиги ушбу рўйхатдаги ҳар бир савдо номи учун референт нархларни тақдим этади ва Жамғарма билан биргаликда ҳар бир ХПН ҳар бир дозаси учун максимал тўлов нархи аниқланади ва тасдиқланади. Жамғарма дорихонага беморларга электрон рецепт орқали берилган дори воситаларининг нархини тасдиқланган максимал тўлов нархидан ошмаган миқдорда қоплаб беради.



Электрон рецепт – ягона электрон рецепт маълумотлар базасини шакллантириш ва врачнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги кўрсатмасини тезкор равишда олиш имконини берувчи электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификациялаш имконини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган электрон ҳужжат. Электрон рецепт ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматлари ҳамда техник воситалардан фойдаланган ҳолда яратилади, қайта ишланади ва сақланади. Д-ҳисобида бўлган барча беморларга берилади.

**Электрон рецепт қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:**

*амбулатория муассасининг номи;*
*рецепт рақами ва берилган санаси;*
*беморнинг тўлиқ исми-шарифи, туғилган йили ва санаси, ёши, жинси;*
*ХКТ-10 бўйича ташхис;*
*дори воситасининг ХПН бўйича номи;*
*дори шакли, дозаланиши ва дозалаш тартиби;*
*шифокорнинг фамилияси, исми, шарифи ва телефон рақами;*
*электрон рецептни тасдиқлаш учун масъул шифокорнинг фамилияси, исми, шарифи.*

**Электрон рецептнинг амал қилиш муддати бир ой!**

Бу жараёнда асосан 5 та касаллик – гипертония, юрак ишемик, қандли диабетнинг иккинчи тури, бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари қамраб олинган. Мазкур тизим сурункали касаллик билан оғриган беморларни дори-дармон билан узлуксиз таъминлаш имкониятини беради. Шифокор томонидан беморга аниқ ташхис қўйилгач, электрон картага маълумот киритилади ва электрон рецепт шакллантирилади.

**Ўша пайтнинг ўзида беморнинг мобиль телефонига хабар келади. Электрон рецептни олган бемор Давлат тиббий суғурта жамғармаси билан шартнома тузган дорихонага мурожаат қилади. Бу дорихона беморга дори-дармонни бепул беради.**

**Олимжон ИСОҚОВ,**
**Республика Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Тошкент вилояти худудий бош мутахассиси.**

## 68 ЁШЛИ БЕМОРНИНГ БУЙРАГИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ

**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиалида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, моҳир эндоваскуляр жарроҳ Хуршид Ҳакимов бошчилигида буйрак артериясида мураккаб стентлаш амалиёти ўтказилди.**

# БУЙРАК АРТЕРИЯСИДА МУРАККАБ СТЕНТЛАШ АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

**Бемор Товбой Яхшибоев** – 68 ёшда. Сайхунобод туманининг Гулбулоқ маҳалласидан. У мазкур муассасага бир неча кун муқаддам артериал қон босими 220/160 мм. симоб устунидан тушмаганлиги ва қилинган муолажалар самара бермагани сабабли мурожаат қилган. Марказ мутахассислари томонидан функционал ва лаборатор текширувлар ўтказилгач, беморнинг буйрак артериясида атеросклеротик торайиш аниқланди. Шундан сўнг унда юқори технологик стентлаш операцияси бажарилди. Амалиётдан сўнг қисқа вақт ичида беморнинг аҳволи ижобий томонга ўзгарди. Шикоятлар камайиб, умумий аҳволи яхшиланди. Ҳозир у шифокорлар назорати остида керакли муолажаларни олмоқда.



–Марказимизда рентген-эндоваскуляр хирургия бўлимининг очилиши уйқу, оёқ, сон, қорин, ўмров суяк ҳамда буйрак артерияларида юқори турдаги ноёб ташхислаш ва даволаш усулларини ўтказиш имконини бермоқда, **– дейди филиал директори Шухрат Ҳусанов.** – Бу эса ўткир миокард инфарктга чалинган оғир беморларни соғлом ҳаётга қайтариш, уларнинг умрини узайтириш имконини бермоқда.

**Маълумот ўрнида айтиш лозимки, бугунгача мазкур муассасада 1000 дан ортиқ беморда коронарографик ташхислаш, 500 дан ортиқ кишида эса мураккаб стентлаш операцияси амалга оширилди. Бундан ташқари, юрак нуқсони бор болаларга окклюдер ўрнатиш йўлга қўйилди.**

**Намозжон ТОЛИПОВ.**

# НУЖНО ЛИ ПРИНИМАТЬ ВИТАМИНЫ ДЕТЯМ?

**После долгой зимы организму ребенка нужно восполнить силы, поэтому родители часто дают детям витамины. Можно ли делать это "на всякий случай", то есть без назначения врача? На эти вопросы ответила врач-педиатр, неонатолог Елена Игринева.**

**Стоит ли давать детям витамины без специальных назначений, например, просто по возрасту? И каких витаминов ребенку может не хватать в первую очередь?**

**Елена Игринева:** Если у ребёнка есть клинические симптомы дефицита того или иного витамина или микроэлемента, желательно это проверить, определив его уровень с помощью лабораторного исследования. Тогда лечащий врач сможет назначить адекватную дозировку. Важно контролировать уровень витамина D в крови, особенно в регионах со сниженной инсоляцией, а также на первом году жизни ребёнка при наличии симптомов недостаточности. Обязательны контрольные анализы и на фоне проводимого лечения препаратами витамина D, чтобы не перестараться и не допустить гипервитаминоза.Также важно поддерживать нормальный уровень железа. Не только анемия, но и латентный дефицит железа оказывает негативное влияние на функционирование многих органов и систем. Проявления гиповитаминозов наблюдаются чаще всего осенью и весной, но самостоятельное назначение ребёнку витаминных комплексов не рекомендуется, несмотря на кажущуюся безопасность этих препаратов. Я бы советовала не пропускать профилактические осмотры у педиатра. К врачу нужно обратиться и в том случае, если у ребенка нет четко выраженных признаков заболевания, но родители отмечают повышенную утомляемость, снижение аппетита, отсутствие прибавки веса, расстройства сна, ломкость волос или ногтей. О недостатке витаминов могут говорить и частые ОРВИ.



**Есть много детских форм витаминов – в виде конфеток, мармеладок. Они эффективны или это просто сладость?**

**Елена Игринева:** Витаминные сладости имеют сбалансированный состав и хорошую переносимость, дети обычно с удовольствием их принимают, поэтому в зависимости от состава такие витамины могут быть назначены малышам с 3-4 лет. При выборе поливитаминного препарата важно оценивать его состав, сбалансированность и соответствие содержания и дозировки компонентов возрастной группе. Усвояемость витаминов из препаратов зачастую выше, чем из продуктов питания, в которых они, как правило, находятся в связанной форме.

**Как правильно принимать витамины?**

**Елена Игринева:** Правильнее всего –во время или после еды. Это обеспечивает полное и эффективное взаимодействие витаминов со всеми компонентами пищи. Если витаминный комплекс принимается один раз в день, то лучше это делать во время самого сытного приёма пищи, в первой половине дня. Длительность приёма витаминов может составлять от трех недель до нескольких месяцев – врач даст рекомендации в зависимости от выраженности витаминной недостаточности.

**Есть ли риск передозировки?**

**Елена Игринева:** В поливитаминных препаратах витамины содержатся в профилактических дозах. Для всех микронутриентов верхние допустимые уровни потребления в несколько раз превышают суточную норму потребления, поэтому возможность передозировки – крайне низкая даже если препарат принимается длительное время.

Комплексы выпускаются в виде суспензий, гелей, жевательных таблеток, драже, пастилок и растворимых порошков. При назначении поливитаминных комплексов педиатры используют ту или иную форму выпуска в соответствии с возрастом ребёнка. Для детей раннего возраста предпочтительнее жидкие формы препаратов: сиропы, суспензии, гели, с четырёх лет уже можно применять жевательные формы, а уже с 6 лет - назначать классические таблетированные формы.

**Какие есть противопоказания?**

**Елена Игринева:** Главное противопоказание при назначении витаминно-минерального комплекса – это индивидуальная непереносимость того или иного элемента. Также не рекомендуется назначать витамины во время обострения заболеваний желудочно-кишечного тракта и аллергических проявлений.

**А можно ли обойтись без дополнительного приема витаминов, если ребенок нормально себя чувствует, хорошо развивается?**

**Елена Игринева:** При нормальном физическом и психоречевом развитии ребёнка, сбалансированном питании и хорошем аппетите, при отсутствии клинических проявлений гиповитаминоза назначение витаминных комплексов не является необходимым.

**Меняется ли потребность в витаминах, когда ребенок идет в школу? Родители часто считают, что повышенные умственные нагрузки требуют дополнительного применения витаминов.**

**Елена Игринева:** Школьники интенсивно растут, у них, действительно, большая учебная нагрузка, это увеличивает потребность в витаминах. У детей обмен веществ в принципе более активный, а у подростков он ускоряется ещё сильнее на фоне интенсивной гормональной перестройки. Поэтому риск развития гиповитаминоза в школьном возрасте выше. К тому же помимо физиологических особенностей подросткового организма, активный режим дня, повышенная занятость исключают сбалансированное поступление питательных веществ.

**Также нередко девушки-подростки применяют диеты для снижения веса – и всё это становится основанием для назначения витаминов в этом возрасте.**

**Ирина НЕВИННАЯ.**

# КАК РАСПОЗНАТЬ АЛЛЕРГИЮ:

## РЕКОМЕНДАЦИИ ВРАЧА

**Все больше людей обращаются к медикам за помощью с жалобами на аллергию. О том, как и почему она возникает, причинах и последствиях на онлайн-брифинге рассказала, доктор медицинских наук, председатель ОО «Казахское общество иммунодефицитов» Елена Ковзель.**

Проявление аллергических заболеваний очень разнообразно, иногда они могут беспокоить пациента с первых месяцев рождения до старости и также сочетаться друг с другом.

Наиболее распространенными из них врач назвала аллергический ринит (риноконъюнктивит, сенная лихорадка), бронхиальную астму, атопический дерматит, аллергический контактный дерматит, крапивницу и отек Квинке, анафилаксию, аллергические васкулиты. Внешние (клинические) проявления аллергии зависят от пути попадания аллергена в организм. Так, при гиперчувствительности к пыльце растений наблюдаются реакции со стороны глаз, носа или дыхательных путей и легких. При употреблении аллергена в пищу появляются реакции со стороны желудочно-кишечного тракта или кожи, однако может вызывать и приступ бронхиальной астмы или ринит.



«В основе развития аллергических заболеваний имеется наследственная предрасположенность. Первые проявления аллергических заболеваний могут беспокоить ребенка с 3-4 месяцев жизни и в дальнейшем развиваться в так называемый атопический марш. Это последовательность клинических проявлений аллергии у человека, имеющего генетическую предрасположенность. Первыми признаками являются атопический дерматит и пищевая аллергия, пик которых приходится на первые два года жизни. Степень чувствительности к аэроаллергенам продолжает увеличиваться до школьного возраста, к 5-ти годам может присоединиться сенсибилизация к бытовым аллергенам. Однако не у всех детей атопический марш реализуется полностью, он может быть прерван на любом этапе», – **пояснила Елена Ковзель.**

По ее словам, важным для развития аллергических заболеваний является профилактика, чтобы начальные проявления заболевания не прогрессировали в более тяжелые.

По происхождению аллергены могут быть простыми химическими веществами, бытовыми, грибковыми, лекарственными, пищевыми, микробными, а также животного или растительного происхождения. Организм контактирует с аллергенами, поступающими ингаляционно (через вдыхаемый воздух), контактно, с пищей или инъекционно.

Наиболее тяжелыми аллергическими заболеваниями являются острые проявления в виде анафилаксии, тяжелой крапивницы и отека Квинке, бронхиальной астмы.

«Лечение аллергических заболеваний зависит от конкретного заболевания, но выявление причинно-значимого аллергена и его элиминация или профилактические мероприятия по уменьшению контакта с ним, является первым этапом лечения. При несоблюдении этого, полный контроль состояния пациента будет невозможен. Медикаментозная терапия назначается врачом в зависимости от заболевания, тяжести течения и возраста пациента. На фармацевтическом рынке имеются много лекарственных препаратов, но выбор их должен сделать врач», - **подчеркнула Елена Ковзель.**

Важным в снижении распространенности аллергических заболеваний, тяжести их течения являются многие факторы, такие как уменьшение загрязнения окружающей среды поллютантами, выхлопными газами, своевременная стрижка газонов, уход за газонами в местах проживания, чистота систем кондиционирования, здоровый образ жизни, занятие спортом.

**Inform.kz.**

УСТАМА ТЎЛОВЛАР ТЎЛАБ БЕРИЛЯПТИМИ?

**Юртимизнинг энг олис ҳудудларидан бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида 6 та даволаш-профилактика муассасаси ва 2 та маҳалла тиббиёт пункти фаолият кўрсатади.**

# УЗОҚ МЎЙНОҚҚА КЕЛИБ ИШЛАЁТГАН ШИФОКОРЛАР ҚАНЧА МАОШ ОЛИШМОҚДА?

Президентимизнинг тегишли фармонига кўра, бошқа ҳудудлардан Тахтакўпир, Чимбой, Қораўзак, Бўзатов, Шуманай, Қўнғирот туманларига бориб ишловчи шифокорларнинг ҳар ойлик лавозим маошига 100 фоиз, Мўйноқ туманида эса 200 фоиз миқдорида қўшимча устама тўловлари тўлаб бериш белгиланган. Ушбу ҳужжатдан сўнг Мўйноққа бориб ишлаш истагидаги шифокорлар сони кўпайди. Ҳозир туманда Қорақалпоғистонга қўшни Хоразм вилоятидан тортиб, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Андижон каби ҳудудлардан келиб меҳнат қилаётган тиббиёт мутахассислари бор.

Бу ердан қарийб 1700 километр узоқликда жойлашган Андижоннинг Жалақудуқ туманидан келган шифокорлар оиласи – **Маҳмуджон Абдулазизов ва Матлуба Расулжоновалар** шундай шифокорлардан.

– Тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги ҳужжат чиққанидан сўнг Мўйноқ туманида ишлаш бўйича вазирликка мурожаат қилганимизда ижобий жавоб олдик, – **дейди Мўйноқ туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Маҳмуджон Абдулазизов.** — Турмуш ўртоғим билан 2022 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Мўйноқда фаолият бошладик. Бундан аввал 30 йилдан ортиқ Жалақудуқ туманида тез тиббий ёрдам бўлими шифокори бўлиб ишлаганман.




Бу ерга келганимизда мўйноқликлар жуда яхши кутиб олишди. Албатта, Жалақудуқ билан Мўйноқнинг фарқи катта. Андижонда аҳоли кўп, шунинг учун "Тез ёрдам"га мурожаатлар ҳам кўп бўлади. Мўйноқда аҳоли нисбатан кам бўлгани билан жуда тарқоқ жойлашган. Шунинг учун тиббий бригаданинг манзилга етиб бориш вақти узоқроқ. Шунинг ҳисобига тиббиёт ходимларига эҳтиёж юқори. "103" машиналаримиз барча зарур техникалар билан таъминланган. Марказий туманларда мавжуд барча шароит Мўйноқда ҳам яратилган.

**Президентимиз "Тиббиёт ходимларининг ойлик маошини 1000 доллардан оширамиз" деганларида бунга ҳали бироз вақт бор-ов, дер эдик. Мана, ўзим бу ерга келиб, 13-14 миллион сўм ойлик оляпман...**

Президентимиз "Тиббиёт ходимларининг ойлик маошини 1000 доллардан оширамиз" деганларида бунга ҳали бироз вақт бор-ов, дер эдик. Мана, ўзим бу ерга келиб, 13-14 миллион сўм ойлик оляпман...

Бошқа ҳудуддан келиб ишлаётганлар орасида педиатр, анестезиолог-реаниматолог, отоларинголог, хирург, уролог ва терапевт каби мутахассислар бўлиб, улар мўйноқликларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда маҳаллий шифокорларга кўмак бермоқда.

**Матлуба Расулжонова** – педиатр. У ҳам турмуш ўртоғи каби Андижон тиббиёт институтини тамомлаган. Ҳозир Мўйноқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида фаолият олиб бормоқда.

– Фарзандларимиз Андижонда. Уларни ўқув йили ўртасида бошқа жойга кўчирмадик, – **дейди Матлуба опа.** – Кейинги йилдан бошлаб болаларимизни ҳам шу ерга олиб келишни режа қилганмиз. Чунки Мўйноқда ҳали яна бир неча йил меҳнат қилишни ўйлаб турибмиз...

**Маълумот учун, бугун Мўйноқда 14 нафар шифокор бошқа вилоятлардан келиб фаолият олиб бормоқда.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.**

ДИЛ ИЗҲОРИ

# МИННАТДОРМИЗ СИЗЛАРДАН ДОИМ

**Ўғлим Ёсинхон туғма юрак нуқсони билан дунёга келган эди. Яқинда унинг саломатлиги ёмонлашиб қолди. Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиоревматология бўлимида даволандик.**

Бўлим мудири И. Абдуллаев, даволовчи врач Н. Шамсиддиноваларнинг саъи – ҳаракатлари билан ўғлимнинг аҳволи анча яхшиланди. Улар фидоий, ўз касбига садоқатли, виждонан хизмат кўрсатадиган шифокорлар экан.

Айниқса, шифохонада дори-дармон таъминотидан ёрдам кўрсатган марказ бош шифокори А. Раҳмоновнинг беморлар ва уларнинг ота-оналари билан самимий мулоқотидан, маслаҳат ва тавсияларидан хурсанд бўлдик. Шунингдек, муолажаларни ўз вақтида бажарган ширинсўз ҳамширалар ва хоналарни тозалигига масъул бўлган кичик тиббиёт ходимларидан ҳам мамнунмиз.

Бўлим мудири И. Абдуллаев, врач Н. Шамсиддиновадан жуда-жуда миннатдормиз. Улар ҳамиша омон бўлишсин. Дардмандлар дардига даво улашишдан асло чарчамасинлар.

Ҳамширалар Д. Убайдуллаева, Д. Жалилова, Й.Жабборова, Н. Мўминова, О. Исоқова, кичик тиббиёт ходимлари О. Абдувалиева, Г. Ибодуллаева, Ғ. Мамадалиеваларнинг ҳам ишларига ривож тилаймиз.

**Бизга сидқидилдан хизмат кўрсатган барча шифокор ва ҳамшираларнинг умрлари узоқ, соғ ва саломат бўлишсин.**

**М. МАМАДАЛИЕВА.**
**Наманган шаҳри.**

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетаси таҳририяти жамоаси "Нуроний" газетаси ва "Кексалик гашти" журнали таҳририятларининг бош муҳаррири

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникакциялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 724 нусха.
Буюртма Г-335

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz

Топширилди – 18.00 1 2 3 4 5 6